

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎРГАНИШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА ИЖОД МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

А.Холмуродов тарих ва уни ўқитиш
методикаси кафедраси доценти
Аширов Юсуф тарих 101-гуруҳ талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада халқ оғзаки ижоди намуналарининг тарихий ўлкашунослик фанини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида сўз боради. Шунингдек муаллифлар уни ёритишда бир қанча ёзма манбаларга таянганлар.

Аннотации

В статье обсуждается значение примеров фольклора в краеведении. Авторы также опирались на ряд письменных источников, чтобы охватить это.

Annotation

This article discusses the importance of examples of folklore in the study of historical local lore. The authors also relied on a number of written sources to cover it.

Калит сўзлар; Ёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди, Авесто, XVI аср, Бобурнома, Тохир ва Зухра

Ключевые слова; Письменные источники, фольклор, Авесто, XVI век, Бобурнома, Тохир и Зухра

Keywords; Written sources, folklore, Avesto, XVI century, Boburnoma, Tokhir and Zuhra

Ўзбек халқи қадимий ва жуда бой маданий меросга эга. Бу маданий мероснинг бир қисмини халқ оғзаки ва ёзма ижодининг ранг-баранг дурлар тўла хазинасига кирувчи 30 дан ортиқ мустақил жанрларда ёзилган хилма-хил асарлар ташкил қилади.¹ Ўлкамизда олиб борилаётган изланишлар халқимиз эрамиздан аввалги 1 минг йилликларда ҳам юксак маданиятли, йирик ирригация ва қурилиш иншоотларини яратган. Антик давр муаллифларининг ёзиб қолдирган битикларига қараганда, халқимиз ёзма ва оғзаки ижод намуналарини яратганликлари ҳақида маълумотлар қолдирилган.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимий маданияти бугунги кунгача гоҳ оғзаки шаклда, гоҳ ёзма манбалар орқали етиб келди.

Оғзаки шаклда етиб келган афсоналар Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши курашларини акс эттиради.

¹ Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихи., 1992 йил, 69-бет.

Афсоналардаги чексиз ватанпарварлик, қаҳрамонлик ғояларининг тараннум этилиши, шубҳасиз, бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

Тарахий манбалар ҳозирги Ўзбекистон худудида яшовчи элатлар эрамиздан аввалги V-VI асрларда бой оғзаки ижодга эга эканлиги тўғрисида хабар беради. Бундай маълумотларнинг Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи оғзаки ижоди яратган баъзи асарларда ҳам акс садоси сезилади. Масалан, ўзбек дostonларида қадимги Сак-Массагет қабилалари эпосидаги баъзи элементлар сақланиб қолган. “Ойсулув” номли ўзбек дostonининг сюжети эрамиздан аввалги VI асрда рўй беради. Шарқ халқларининг классик дурдонаси бўлмиш Фирдавсийнинг “Шохнома”сида куйланган айрим ривоятлар ҳам асли “Авесто”да келтирилган афсонавий образларни эслатади. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”даги кўпгина мифологик сюжетлар халқ оғзаки ижодининг маҳсули, десак хато бўлмайди.

Милоддан аввалги VI аср ўрталарида аҳмонийлар сулоласидан бўлган Эрон шаҳлари дунёнинг энг йирик қудратли мамлакатига айланиб, кўп мамлакатларни босиб олади. Милоддан аввалги 530 йилда Кир II катта кўшин билан массагетларга қарши юриш қилади. Геродотнинг ёзиб қолдиришича, массагетлар шоҳи малика Тумарис босқинчиларга қарши ватан озодлиги учун кураш олиб боргани, Эрон шоҳи Кир II ни тор-мор қилишгани баён этилади.¹

Форсларнинг саклар устига юриши ҳақида тарихчи Полиен (милоддан аввалги II аср) келтирган бошқа бир ривоятда форсларга қарши сак қабиласидан чиққан чўпон Широқнинг қаҳрамонона жасорати талқин қилинади.

Қиссада Широқ ўз ватанини, қабиладошларини озодлигини сақлаб қолиш учун Эрон шоҳи Доро I ни ҳийла билан кимсасиз чўлларга бошлаб бориб, уни ўз жони эвазига мағлуб этади.

Илк ёзма адабиёт намуналари эса эрамизнинг VI-VIII асрларга мансуб бўлиб, асосан Урхун-Енисей ёзувида битилган.

Қадимда суғдий, бохтарий ва хоразмий ёзувлари ҳам кашф этилган. Ҳозирги вақтда Осиё ва Европанинг турли минтақаларида топилган бу ёзувдаги ёдгорликлар сони 300 га яқинлашиб қолди.² Дастлаб улар Енисей ва Ўрхун дарёлари ҳавзаларидан топилиб, белгиларнинг ўзига хос рунийсимон шаклига кўра, “Ўрхун-енисей руний ёзуви” деб атала бошлади. 38 та харфдан иборат бу ёзув Жанубий Сибир, Марказий Осиёнинг туркийзабон қabila ва элатлари ўртасида кенг тарқалган. Руний ёзувларининг каттагина қисми

¹ Сагдуллаев А.С. Костецкий, Норкулов Н.К. Ўзбекистон тарихи. Т., 1999 йил, 145-бет.

² Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т., 2015 йил, 406-бет.

қояларга, қабр тошларга, тошдан ясалган одам хайкалларига ўйиб ёзилган. Бир қисм хатлар эса металлдан ишланган идишларда, сопол, танга, қоғоз ва ёғочда учрайди.

Қадимги туркий ёзуви асосан буддавий тарихи биографик лавҳалардан иборат бўлиб, турк, уйғур, қирғиз аслзодалари, хоқон уруғидан чиққан машҳур кишиларнинг хизматлари ва уларнинг қаҳрамонлик хатти-ҳаракатларини мақташга бағишланган. Қадимги туркий ёзувнинг энг йирик ёдгорлиги “Ирқ битиги” (Фолбинлик китобчаси) бўлиб, у қарийб 100 саҳифадан иборат. Билка хоқон, Қултегин шарафига битилган ёдгорликлар, Ўнгин ёзуви, Тунюқук, Мўйин чура ва Қули чўра шарафига битилган ёдгорликлар уларнинг энг машҳурларидандирлар. Сибир ва Шимолий Мўғулистондан ташқари, руний ёзув ёдгорликлари Шарқий Европада, Шарқий Туркистон ва Олойда, Ўрта Осиё ва шимоли-шарқий Қора денгиз хавзаларида ҳам учрайди. Бу ёзувнинг пайдо бўлиши мил.авв. I минг йилликка тўғри келади, деган фаразлар бор.¹

Туркларнинг мустақиллик учун Хитой империясига қарши кураши (689-693) Турк хоқонлигининг тикланишига олиб келди.

Анъанавий (яккахудолик) диннинг тикланиши, Тангри худосига эътиқоднинг кучайиши, аждодлари Бумин ва Кеталихонлар ҳақидаги хотираларнинг жонланиши, миллий тилга қайтиш, Билга хоқон, укаси Култегин ва доно маслаҳатчи Тунюқуклар шарафига қоя тошларга битилган Урхун ёзуви бу даврнинг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турди. Йирик руник обидалари² Турк хоқонлигининг қарор топгани ҳақида тарихий далил вазифасини ўтади. Туркийлардаги қабилавий садоқат ва ўтмиш аждодларга ҳурмат туйғуси янги даврдан дарак берар эди.

Мисол учун, Билга хоқон битигида хоқоннинг давлатни адолатли бошқарганлиги, кўпгина халқларни бирлаштиргани, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан юксалтирганини Йўллуғ тигин маҳорат билан тасвирлайди. Халқ хоқонидан, ватанидан айрилмаса, эзгўлик кўриши, бахтли, беташвиш бўлиши жуда ифодали қилиб баён этилади. Кўзига фақат мол-мулк кўринадиган давлат бошлиқлари гумроҳдир, деб таъкидланади мазкур битигда. Билга хоқон давлатнинг қудрати ҳақида сўзлайди.³ Бу даврда йўл қўйилган хатоларни келажак авлод такрорламаслигини маслаҳат беради.

Қиссалар ва тошга ўйиб ёзилган битиклардаги асосий ғоя ватан ва халқни ҳимоя қилиш, эл-юрт бирдамлиги, она-юртни чет эл босқинчиларидан

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногеми ва этник тарихи. Т., 2007 йил, 196-бет.

² Носиров У. Ўзбеклар шажараси. Т., 2012 йил, 248-бет.

³ Қадимги ҳикматлар. Тошкент., 1987 йил, 30-31-бетлар.

химоя қилишда барчанинг ҳамжиҳатлик билан бир бўлиб иш тутиши зарурлиги кўрсатиб берилади.

Ўзбек халқининг узоқ ўтмишдаги чет эл истилочиларига қарши кураши “Юсуф ва Аҳмад”, “Маликаи айёр”, “Орзигул”, “Ширин ва Шакар”, “Райҳон Араб”, “Гўрўғли” таркибига кирган бир қатор намуналари Марказий Осиё туркий халқлари ўртасида жуда кенг тарқалган. Барча эпик асарларда халқнинг ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўравонликка қарши чексиз нафрати ифодаланади.

Айниқса Юсуф Хос Хожиб қаламига мансуб бўлган “Қутадғу билиг” туркий тилда яратилган шоҳ шеърини асардир. Уни қомусий деб атасак бўлади. Чунки “Қутадғу билиг”да халқ ҳаётининг барча томонларини қамраб олган. Унда эзгулик, ватанпарварлик ғоялари таъсирли равишда баён этилади.

“Қутадғу билиг”да ватанни химоя қилиш ҳақидаги ўғитларида ҳарбийларнинг маҳорати тўғрисида шундай дейилади: “Лашкарбоши учун бир қатор фазилатлар лозимдир, душман билан юзма-юз келганда шу фазилатлар туфайли йўл-йўриқ тутди. Жангларда баҳодирларча шер юрак керак, ҳамла қилганда қоплон билаги керак.”¹

Ўзбек адабиётининг ўрта асрларда адабиёт соҳасида энг баланд чўққисига кўтарилиши, Алишер Навоийнинг жўшқин ижоди билан бевосита боғлиқ. У ўзининг ўлмас асарларидаги теран ва юксак ғоялари, айниқса, яқин ва ўрта шарқ халқлари адабиётига муносиб ҳисса қўшди. Алишер Навоийнинг машҳур асарлари жумласига “Ҳамса”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр” (“Қуш тили”) ва бошқа асарлари киради. Бу машҳур асарларда буюк мутаффаккир шоир чексиз ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик ғоялари тараннум этади. Шунингдек, асарларида ўзбек этнографиясига оид ноёб маълумотлар ёзиб қолдирди.²

XV аср охири XVI аср бошлари наср ва назм осмонида йирик сиймо Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам муносиб из қолдирди. У ўзининг “Бобурнома” асарининг бадиийлиги, тарихий ҳаққонийлиги ва ўзига хослиги билан жаҳонга танилди. Асарда муаллифнинг ҳаёт йўли, Афғонистон ва Ҳиндистонга қилган юришлари, бу мамлакатларда яшовчи халқларнинг маиший турмуш тарзи ва маданияти, табиати баён қилинади. Бобур ва бобурийлар ҳинд халқи тарихида ўзларининг бунёдкорлик ишлари билан ҳам шуҳрат қозондилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида

¹ Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билиг”. Қадимги ҳикматлар. Т., 1987, 195-бет.

² ЎЗРМДА. 236 жамғарма, 2-рўйхат, 3- иш, 15-бет.

Жиззах шаҳрини “Дизак” деб тилга олиб Жиззах воҳаси табиати, жўғрофияси, иқтисодига оид маълумотларни баён қилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”да фақатгина тарихий этнографик жиҳатдагина эмас, балки ўзбек мемуар адабиёти намунаси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган асар ҳисобланади.

XIX асрда Жиззах воҳасининг Ғаллаорол мавзесида ҳам асарлар салмоғи, жанрлар хилма – хиллиги, ғоявий – бадиий уйғунлиги жиҳатидан эътиборга лойиқ адабий муҳит мавжуд эди. Бу адабий ҳаракатнинг бошида Махмур Коризий, кейинчалик Убайдулла Аламқаш, Абдуазимхон туриб, улар ўзбек халқи, жумладан Жиззах воҳасида яшовчи халқлар бошига тушган кулфатлар, мустамлакачиликнинг адолатсизликларини фош қилувчи асарлар яратдилар. Жиззахда адабиёт ва халқ оғзаки, бадиий ижодиётининг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Жиззахликлар азалдан ўз орзуларини ривоятларда, қўшиқларда, рақсларда ифода этиб келишган. Жиззах воҳасида октябр тўнтаришидан олдин Авдулкарим, Маҳмуд Коризий, Муаззамхон, Убайдулло Исломоўғли, Аламқаш, Мирзиёкори, Маҳзун, Муҳаммад Ризо, Муаттархон, Ином Маҳмуд, Фозил Йўлдош сингари шоир ва дostonчилар, халқ бахшилари ижод қилган.

Жиззах халқи тарихида қизиқчилик, масҳарабозлик сингари халқ санъати кенг ёйилган эди. Жиззахда XX аср бошларида Нормат қизиқчи, Абдурахмон Ҳофиз, Пўлат Қори, Аҳмадхўжа, Мансур ва Азиз қизиқчилар ва масҳарабозлар ва Баҳриддин сурнайчилар ўзларининг кўғирчоқбозлик санъатлари билан машҳур бўлганлар. Улар омма орасида, бозорларда, тўйларда ўз санъатларини намойиш қилиб, тўйларга файз киритганлар. Қизиқчилар Жиззахнинг эски шаҳрида бозор кунлари одамлар кўп тўпланадиган Ғаллаорол, Фориш, Зомин ва Бахмал тумани марказларида тез – тез ўтказилиб туриладиган томошоларда ўзларининг кўшиқлари, лапарлари, ўйинлари билан кишиларни хушнуд қилганлар. Турли хил кичик сатирик асарлари орқали халқ устига юк бўлиб, тушган меҳнатсиз даромад ундирувчилар, золимлар, ландовурлар, ишёқмасларнинг кирдикорларини санъаткорона маҳорат билан фош қилишган ва меҳнаткаш халқ манфаатини ҳимоя қилганлар.¹ Жиззах шаҳрининг Сайилжой, Наврўзбулоғида ҳар йили ўтказилиб, туриладиган “Наврўз” халқ сайларида дарбозлар, кўғирчоқ ўйини усталари, қизиқчилар, ўз санъатларини маромига етказиб, намойиш қилганликлари учун халқ уларни интиқ бўлиб кутишарди. Чунки қизиқчилар томонидан яратилган сатирик ва юмористик оғзаки катта – кичик ичак узди образлардан иборат комедияларни халқ севиб томоша қилиб, дам оладилар.

¹ Холмуродов Р., Холмуродов Д. Тарихий ўлкашунослик фанини ўқитишда маҳаллий материаллардан фойдаланиш. (Жиззах вилояти мисолида). Жиззах, 2004, 145-бет.

XIX аср ўрталарида халқ бахшилар ва дostonчилар томонидан ўз даврида айтилган 40 га яқин дostonчиларнинг айрим бўлимларини Жиззахда ўтказилган тўй томошаларда, сайлларда тўлиб – тошиб куйлаганлар. Жиззахда “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Ширин -Шакар”, “Шохсанам ва Ғариб”, “Тоҳир ва Зухра” каби дostonларсиз бирон бир тўй ва халқ байрамлари ўтмаган. Бу дostonларда халқ педагогикаси ғояларининг мағзи мужассамлашган эди. Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик, соф севги, инсонийлик, инсоф диёнат, меҳр оқибатлилик ва бошқа маънавий қадриятлар билан туғилган ғоялар ўз ифодасини топган эди.¹

1916 – йилда мустамлакачиликка, зулмга қарши миллий озодлик учун йирик халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Кўзғалонлар пайтида ўзбек халқининг “Минглаънат”, “Елликбоши” ва бошқа янги замон билан баробар туғилган кўшиқлар Жиззахда ҳам кенг тарқалди. Бу кўшиқларда подшо маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчалиги ғазаб билан қораланди, халқ оммасининг тезроқ озод бўлишига ишонч билдирилди. 1916 – йилда фронт орқасидаги қора ишлар учун мардикор олиниши муносабати билан “Поездингни жилдирган...”, мисраси билан бошланувчи “Николай кон жаллаб” ёки “Мардикорлар ашуласи” кўшиғи яратилди. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик санъати мазкур даврда Жиззахда ҳам тўсиқларга қарамай ривож топа бошлади. Бунга Подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўзбек санъатининг камситилиши иккинчи даражали санъат деб қаралиши асосий сабаб бўлди. Бошқа жойларда бўлганидек, Жиззахда ҳам бунга XIX аср озири, XX аср бошларида Ўзбекистонда ташкил топган барча “Мусиқа севувчилар жамиятлари” рус ҳукуматининг ўлка мамуриятларида тасдиқдан ўтиши, жамият аъзолик бадалини тўлаш ўйналадиган спектакллар ва концерт репертуарларини тасдиқлаш, томошалардан тушган маблағларни ўз вақтида давлатга топшириб туришлари ва Жиззах уезди маҳкамаси тасарруфида бўлиши сингари турли хил таъқиқлашлар юзага келган эди. Жиззахда ҳам ўзбек анъанавий кўшиқчилик санъати, ўзининг чуқур миллийлиги, ҳамда ўзига хос йўналиши, усул ва услубларига эга эканлиги учун ҳам мустамлакачилар уни йўқота олмадилар. Ўзбек халқи маънавий мустаҳкам маданиятининг урф – одатларидаги мустаҳкам илдизи халқ байрамлари ва унинг асосини ташкил этувчи кўшиқчилик санъати сақлаб қолинди.

Жиззахда қадимдан театр санъатининг шаклланишида ўз замонасининг илғор зиёлилари жуда кўп бўлган. 1918 – йилнинг охири 1919 – йилнинг бошларида бир гуруҳ кўзга кўринган санъат ихлосмандлари Мулла Ҳошим, Абдулла Ахмедов, Абдусаттор Абдураззоқов, Иброҳим Мустафакулов, Боймат Ойматов, Содик Зоиров, Одилжон Олимжонов, Охунжон

¹ ЎзРМДА. 236 жамғарма, 1-рўйхат, 4 иш, 60-61 бетлар.

Шерназаров, Саидқосим Хўжаев, Мирзараҳим Ҳошимлар томонидан Жиззахда илк бор ҳаваскорлик тўғараги тузилади. Бу тўғарак аъзолари Мамараҳим Ҳожи деган кишининг уйида (Ҳозирги Ҳ.Носиров номли жамоа хўжалиги) Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” (А.Навоий кўчасида) М.Уйғурнинг “Туркистон табиби”, А.Қодирийнинг “Бахтсиз куёв” сингари асарларини саҳналаштириб, аҳоли ўртасида намойиш қилишган. Тўғарак қатнашчилари фақат ўз санъатлари билангина эмас, оташин нутқлари билан ҳам аҳоли ўртасида тарғибот – ташвиқот ишларини олиб боришди, газета – журналлардаги сўнгги янгиликларни ўқиб беришиб, ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини аҳоли ўртасида кенг ёйдилар.

“Кўк кўйлак” гуруҳи ташаббускорлари ва жамоатчиликнинг талаби билан Юнус Ражабий номли мусиқа театр ташкил топиб, О.Абдураззоқов, О.Шерназаров, А.Аҳмедов, И.Мустафақулов ва С.Хўжаевлар театрни илк қалдирғоч артистлар бўлдилар. Собиқ совет даврида театр режиссори Пўлат Носиров илк бор Ғ.Зафарийнинг “Ҳалима” мусиқали драмасини, Озарбайжон драматурги ва композитори У.Ҳошимбековнинг “Аршин Мололон”, С.Айнийнинг “Бухоро жаллодлари” асарларини саҳналаштириб, бу спектакллар томошабинлар томонидан яхши кутиб олинган эди. Спектаклларда бош ролларни Ибодат Ҳақбердиева, Пўлат Носиров, Саид Холдорев ва Иброҳим Каримовлар сингари актёрлар ўз ролларини зўр маҳорат билан ижро этган эдилар.¹ Бу тўғарак базасида ташкил топган ҳозирги Жиззах драма театридан кўплаб таниқли санъаткорлар етишиб чиқади. Ўзбекистон халқ артистлари Ойша Мавлонова, Ғулломжон Ёқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шафоат Раҳматиллаева, Ҳусан Амиркулов, Ҳамид Ғофуров, Хосият Азимова, режиссор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г.Искандаров ва бошқалар ўзларининг ижодий фаолиятини шу маданият даргоҳида бошлаб элга танилдилар. Тошкент Маданият институтини тугатган Йўлдош Ўринов театрда режиссор бўлиб ишлаб, кўплаб янги асарларга бағишланган спектакллар тайёрлашда жуда кўп ижобий ишларни амалга оширди. Театрнинг кўзга кўринган режиссёрлари Жиззах Давлат педагогика институти қошида талабаларнинг ҳаваскор тўғаракларини ташкил қилишда, спектакллар қўйишга амалий ёрдам кўрсатдилар.²

Шундай қилиб халқимиз томонидан яратилган бой маданий меросимиз хоҳ оғзаки шаклда, хоҳ ёзма шаклда бўлсин уларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Унда ўтмиш тарихимиз нафақат тарихий манбаларда балки ранг-баранг адабий жанрларда ҳам бизгача етиб келган. Миллий маданий

¹ ЎзРМДА. 1 жамғарма, 31-рўйхат, 1074 иш, 7-8 бетлар.

² Жиззах давлат педагогика институтининг жорий архиви. 2018 -2019 йиллар.

меросимиз тарихини ўрганиш айниқса ёшларимизни ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбиялаш озод ватанимизнинг гуллаб яшнашига мустақиллигимизни тобора мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сагдуллаев А.С. Костецкий, Норкулов Н.К. Ўзбекистон тарихи. Т., 1999 йил
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т, 2015 йил
3. Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихи., 1992 йил, 69-бет.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногези ва этник тарихи. Т, 2007 йил
5. Носиров У. Ўзбеклар шажараси. Т., 2012 йил, 248-бет.
6. Қадимги ҳикматлар. Тошкент., 1987 йил, 30-31-бетлар.
7. Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг”. Қадимги ҳикматлар. Т.
8. ЎзРМДА. 236 жамғарма, 2-рўйхат, 3- иш, 15-бет.
9. Холмуродов Р., Холмуродов Д. Тарихий ўлкашунослик фанини ўқитишда маҳаллий материаллардан фойдаланиш. (Жиззах вилояти мисолида). Жиззах, 2004, 145-бет.
10. ЎзРМДА. 236 жамғарма, 1-рўйхат, 4 иш, 60-61 бетлар.
11. ЎзРМДА. 1 жамғарма, 31-рўйхат, 1074 иш, 7-8 бетлар.
12. Жиззах давлат педагогика институтининг жорий архиви. 2018 -2019 йиллар.